

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

ХУДОЙБЕРДИЕВ АСЛИДДИН ҒУЛОМИДДИНОВИЧ

**АНИЗОТРОПИК КВАНТ МАГНИТЛАРИДА ҚУЙИ
ТЕМПЕРАТУРАЛИ ФАЗА ЎТИШЛАР**

01.04.07 – Конденсирланган ҳолат физикаси

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2022

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
физико-математическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
physical and mathematical sciences**

Худойбердиев Аслиддин Гуломиддинович Анизотропик квант магнитларида қуйи температурали фаза ўтишлар.....	3
Khudoyberdiev Asliddin Gulomiddinovich Low temperature phase transitions in anisotropic quantum magnets.....	25
Худойбердиев Аслиддин Гуломиддинович Низкотемпературные фазовые переходы в анизотропных квантовых магнетиках.....	45
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	49

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.ФМ/Т.33.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

ХУДОЙБЕРДИЕВ АСЛИДДИН ҒУЛОМИДДИНОВИЧ

**АНИЗОТРОПИК КВАНТ МАГНИТЛАРИДА ҚУЙИ
ТЕМПЕРАТУРАЛИ ФАЗА ЎТИШЛАР**

01.04.07 – Конденсирланган ҳолат физикаси

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2022

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2021.2.PhD/FM242 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.inp.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рахимов Абдулла Маннабович
физика-математика фанлари доктори,
катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Джуманов Сафарали
физика-математика фанлари доктори, профессор

Абдуллаев Фатхулла Хабибуллаевич
физика-математика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети

Диссертация ҳимояси Ядро физикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Улуғбек кўрғони, Ядро физикаси институти. Тел. (+99871) 289-31-41; факс (+99871) 289-36-65; e-mail: info@inp.uz).

Диссертация билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100214, Тошкент шаҳри, Улуғбек кўрғони, ЯФИ. Тел. (+99871) 289-31-19).

Диссертация автореферати 2022 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.
(2022 йил “ ____ ” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М. Ю. Ташметов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ф.-м.ф.д., профессор

О.Р. Тожибоев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф. PhD, катта илмий ходим

Э.М. Турсунов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнги йилларда дунёда магнетик материалларнинг паст ҳароратларда фазавий ўтишларини ўрганиш орқали уларнинг муҳим муаммоларини ҳал қилишга катта эътибор берилмоқда. Квант магнитлари физикаси соҳаси жуда истиқболли, аммо ўз навбатида жуда қийин. Бозе зарралар физикасини квант магнитларида қўллаб, фаза ўтишлардаги хоссаларини квант эффектлар билан ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бозе-Эйнштейн конденсати (БЭК) асосан суюқ гелий ва совуқ газлардаги бозе зарраларида кузатилган бўлсада, бу тушунча анча умумийдир. Баъзи қаттиқ жисмларнинг қуйи температурадаги хоссаларини квант эффектлар ёрдамида, хусусан БЭК назарияси асосида тушунтириш мумкин. Хусусан, антиферромагнитларда элементар уйғонишлар бу магنونлар, яъни бутун спинли квазизарралар бўлиб, улар Бозе статистикасига бўйсунди. Спинлар ва бозонлар ўртасидаги ўхшашлик, антиферромагнитларда жуда самарали эканлиги исботланган бўлиб, қуйи температурадаги бир-бирига яқин масофада жойлашган ярим бутун спинли димерлар бирикиб асосий ҳолатдаги синглет ва триплет бозе турдаги зарра (триптон) лар ҳосил қилади. Триптонлар атом газларига қараганда анча енгилроқ ва зичлиги анча юқори. Натижада, бу газларда, атом газларидаги нанокелвинлардан фарқли ўлароқ, конденсат ҳолати анча юқори ҳароратда ҳам сақланиб қолиши мумкин.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида узок масофали ўзаро таъсирга эга бўлган спин-бўшликли квант магнитларининг паст ҳароратли хусусиятларини, жумладан, экзотик фазалар ёки фазали ўтишларни анизотропияни ҳисобга олиб ўрганиш долзарблиги билан ажралиб турибди. Чунки бундай материаллар келажакда квант компьютерларини яратиш ва квант маълумотларини сақлаш учун ишлатилиши мумкин. Хусусан, антиферромагнетиканинг паст ҳароратли магнит хотираси бугунги қаттиқ дисклар ва қаттиқ хотира чипларига қараганда камида 100 марта зичроқ эканлиги аниқланган. Шундай қилиб, квант магнитларини ўрганиш уларнинг янги хусусиятларини башорат қилиш имконини беради, бу эса ўз навбатида уларни компьютер ва ахборот технологияларида қўллашни осонлаштиради ва оптималлаштиради.

Мамлакатимизда сўнги йилларда магнетик материаллар ва уларнинг хоссаларини ўрганиш бўйича назарий ва экспериментал тадқиқотларни жаҳон даражасида ўтказишга катта эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун паст ҳароратларда квант антиферромагнитларида магнит квазизарраларнинг Бозе-Эйнштейн конденсати ва у билан боғлиқ муаммоларини ўрганиш долзарб мавзу ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида¹ физика фанини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларга мос фундаментал ва амалий

¹Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020 йил, 30 декабрь, No275-276 (7746-7747), 2-бет.

масалаларни ҳал қилишга қаратилган илмий тадқиқотларни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда сўнги йилларда магнетик материаллар ва уларнинг хоссаларини ўрганиш бўйича назарий ва экспериментал тадқиқотларни жаҳон даражасида ўтказишга катта эътибор қаратилмоқда. Юқори Теслали доимий магнит майдонни ҳосил қилиш ва бу магнит майдон ёрдамида моддалар оптик хоссаларини, наноструктурасини ўрганиш борасида назарий ва амалий изланишлар олиб борилмоқда. Ушбу фундаментал тадқиқотлар мамлакатимиз илм-фанининг ривожланишида катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолиятини янада такомиллаштириш, илмий ишларни ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштириш бўйича чора тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4526-сон “Ядро физикаси институти илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энерготехнология ва муқобил энергия манбалари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда паст ҳарорат физикаси ва квант магнитларини ўрганиш бўйича жуда кўп назарий ва амалий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи олимлари томонидан олиб борилмоқда. Жумладан, швейцариялик олимлар A. Schilling ва R. Dell’Amore квант магнитларида қуйи ҳароратли фаза ўтишлар ва магнитланганлик хоссаларини тажрибалар ёрдамида ўрганган; австралиялик олимлар (J. Sirker, A. Weisse, O.P. Sushkov) томонидан квант магнитларининг анизотропик хоссаларини эътиборга олган ҳолда квант фаза ўтишлар ва магنونларнинг конденсат ҳолати Ҳартри-Фок-Попов аппроксимацияси ёрдамида назарий йўл билан ўрганилган; италиялик (V. Zapf, M. Jaime, C.D. Batista), россиялик (V.I. Yukalov), япониялик (F. Yamada, T. Ono, H. Tanaka, G. Misguich, M. Oshikawa, T. Sakakibara), ўзбекистонлик (A. Rakhimov, B. Boyzakov, F. Abdullayev, S. Djumanov, U. Valiev, R. Galimzyanov, E. Quvondiqov) ва бошқа мутахассислар томонидан конденсирланган ҳолат физикаси ва квант магнитларини ўрганиш бўйича жуда кўплаб назарий ва амалий тадқиқотлари олиб борилмоқда.

1999 йилда А. Оосава Нил ҳароратидан паст бўлган $TiCuCl_3$ антиферромагнит квант намунасида магнит тартибнинг критик ҳароратини топиш учун магнит материаллардаги магнитланишларни ўрганди. Тажрибаларни талқин қилиш фундаментал назариянинг ривожланишига олиб келди. Фақатгина тўғри назария тажрибаларни тўғри тушунишга имкон беради, тегишли ва реал техник иловаларни таклиф қилиши ва материянинг

янги хоссалари ва фазаларини башорат қилиши мумкин. Шуниси қизиқки, БЭК каби ҳодисалар, юз минглаб зарраларни ўз ичига олган конденсатланган материя физикаси, назарий изланишлар зарурлиги ҳақида хулоса беради. Бу юқори энергияли заррачалар физикасидан анча фарқ қилади. Триптон БЭК нуқтаи назаридан соф квант магнитларининг хоссаларини тавсифлашда яна бир муаммо бор. Бу муаммо бирлик ҳажмдаги зарралар сони билан боғлиқ. Аслида, триптон квазизарраларга эга бўлган спин димерлари ўртасидаги ўзаро таъсир анизотропияга, яъни бозонли тизим айланиш симметриясининг бузилишига олиб келади. Натижада, Гамилтонианга мос келадиган заррачалар сони оператор билан алмаштирилади, бу уни аниқ ҳисобланган микдорга айлантормайди. Бу факт БЭК нуқтаи назаридан назарий тавсифда табиий шубҳаларни келтириб чиқаради. Шу билан бирга, системада анизотропия нисбатан кичик бўлса, БЭК ҳодисасини асосий майдон яқинлашуви назарияси натижасида пайдо бўлган пертурбатив $U(1)$ симметрия бузилишини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш мумкин.

Аммо юқорида келтирилган усуллар квант магнитларининг қуйи ҳароратдаги хоссаларини тушунтириш учун етарлича маълумот бера олмайди. Чунки, батафсил ўрганилиши керак бўлган очиқ саволлар мавжуд. Мисол учун: анизотропиянинг "конденсатланмаган ва конденсатланган фазада" магнитланишга таъсирининг тавсифини топа оламизми (ҳозирда тўлиқ ўрганилмаган) ва бу бир вақтнинг ўзида БЭК фазаси учун яратилган назарияга мос келадими?

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг № ОТ-Ф2-14 “Кучли ўзаро таъсирлашувчи квант системаларнинг коллектив ва микроскопик хусусиятларини тадқиқ қилиш” (2016-2020), № УТ-ФА-2020-3 “Узоқ масофали ўзаро таъсирга эга тартибсиз квант магнитлари ва атом газларида ултрасовуқ фазали ўтишлар” (2020-2022) мавзусидаги фундаментал лойиҳалар ва “Бир нечта жисмли квант физикаси масалаларини ечиш учун юқори самарали вариацион усулларни ривожлантириш” (2020-2024) илмий-тадқиқот ишлари дастури бўйича фундаментал мавзу доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади паст ҳароратларда анизотроп квант магнитлари учун Хартри-Фок-Боголюбов яқинлашуви ва Бозе-Эйнштейн конденсат назариясини такомиллаштириш ва улардаги фазавий ўтишларни тавсифлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Хартри-Фок-Боголюбов аппроксимациясини ёрдамида паст ҳароратда триптонларнинг анизотропия таъсири ва аномал зичликни ўз ичига олган термодинамик потенциалини ҳисоблаш;

нолга яқин ҳароратда квант магнитларида квант фазаси ўтишларини аниқлаш;

триптон Бозе-Эйнштейн конденсат тўлқин функциясининг магнит фазалари ва унга ўрнатилган чекловлар мавжудлигини исботлаш;

паст ҳароратда квант магнитларида иккита Бозе конденсат ҳолатидаги тизимининг интерференцияси ва Жозефсон эффектини таҳлил қилиш;

алмашинув анизотропияси ва Дзялошинский-Мория ўзаро таъсири параметрларини ўртача майдон назарияси ёрдамида баҳолаш;

квант магнитларининг, хусусан, $TiCuCl_3$ да экспериментал равишда олинган магнитланганлик ва энергия спектрини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объектини антиферромагнит материаллар, $TiCuCl_3$ бирикмаси ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини паст ҳароратларда квант антиферромагнитларида магнит квазизарраларнинг Бозе-Эйнштейн конденсати ва у билан боғлиқ муаммолар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари: янги назарий ёндашув - асосий майдон яқинлашиш назарияси; Бозе-Эйнштейн конденсат назарияси; Хартри-Фок-Боголюбов (ХФБ) аппроксимацияси; иккиламчи квантлаш усули.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

антиферромагнит материаллар, яъни анизотроп квант магнитлари учун асосий майдон назарияси ёрдамида критик температурадан куйи ($T \leq T_c$) соҳа учун Хартри-Фок-Боголюбов аппроксимацияси такомиллаштирилган;

илк бор квант магнитларининг анизотропик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иккита конденсат интерференцияси ва Жозефсон эффекти кузатиш мумкинлиги кўрсатилган;

Дзялошинский-Мория анизотропиясини ҳисобга олган ҳолда илк бор конденсатланган заррачаларнинг зичлиги $T > T_c$ да асимптотик тарзда камайиб борганлиги учун иккинчи тур фаза ўтиш кроссоверга айланиши, шунингдек, конденсат тўлқин функциясининг фаза бурчаги фақат дискрет қийматларга эга бўлиши исботланган;

Хартри-Фок-Боголюбов аппроксимацияси ёрдамида $TiCuCl_3$ антиферромагнит материалидаги куйи ҳароратларда магнитланганлик учун олинган экспериментал натижалари тўлиқ тавсифланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

илк бор квант магнитлари учун магнитланганлик, иссиқлик сифими ва конденсат аномал зичлигининг ҳароратга боғлиқлиги ва $TiCuCl_3$ антиферромагнит материали учун мавжуд экспериментал натижалари билан мослиги аниқланган;

илк бор конденсат тўлқин функциясининг фазасига қўйилган чекловлар батафсил ўрганилган ва фаза фақат дискрет қийматлар қабул қилиши исботланган;

асосий ҳолатдан конденсат ҳолатига ўтиш иккинчи тур фаза ўтишдан фарқли ўлароқ, кроссовер юзага келиши кўрсатилган;

конденсат тўлқин функция фазаси учун олинган натижалардан фойдаланиб квант магнитларидаги куйи ҳароратли фаза ўтишлари, Жозефсон эффекти ва интерференция ҳодисалари тавсифланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги Бозе-Эйнштейн конденсациясининг замонавий усуллари, назарий физика, юқори самарали аналитик усуллар ва алгоритмлардан фойдаланиш, олинган назарий

натижаларнинг экспериментал маълумотлар ва бошқа муаллифларнинг натижалари билан мувофиқлиги, хулосалар квант магнитларининг майдон назарияси асосий қоидаларига мослиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзига хос иссиқлик, тартиб параметри ва ташқи магнит майдон таъсирида магнитланганлик каби катталикларни фундаментал кузатувлар орқали квант фазасига ўтишда квант критик хатти-харакатларини тавсифлаш қобилияти билан белгиланади. Назарий натижаларни ва антиферромагнит материаллар учун эксперимент маълумотларини яхши тушунтириш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, паст ҳароратларда бузилган квант магнитларининг назарий тавсифи ва янги экзотик ҳолатлари конденсатланган моддалар замонавий физикаси турли муаммоларини ҳал қилишга ҳисса қўшади ва квант тизимларида квазизарраларнинг БЭК ҳодисаларини тушунишда янги асосий майдон назариясини таклиф қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Анизотропик квант магнитларида куйи температурали фаза ўтишларни тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

антиферромагнит материаллар, яъни анизотроп квант магнитлари учун Ҳартри-Фок-Боголюбов ишлаб чиқилган аппроксимацияси хорижий тадқиқотчилар томонидан қўлланилган (халқаро журналларда ҳаволалар: Physical Review B, 97, id.140405, 2018, Physical Review B, 98, id.144416, 2018, 34rd Youth Academic Annual Conference of Chinese Association of Automation, 18886028, 2019, International Journal of Modern Physics, 35, id.2150018, 2020, Physics Letters A, 384, id.126313 2020). Илмий натижаларнинг қўлланилиши антиферромагнитларда Тан контактнинг ҳисоблаш имконини берган;

квант магнитларининг анизотропик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иккита конденсат интерференцияси ва Жозефсон эффекти иккита материя тўлқинининг фазалар фарқи ёрдамида кузатилиши хорижий тадқиқотчилар томонидан қўлланилган (халқаро журналларда ҳаволалар: International Journal of Modern Physics B, 35, id.2150018, 2021, Journal of Physics: Condensed Matter, 33, id.465401, 2021). Илмий натижаларнинг қўлланилиши фаза бурчагининг назарий тавсифини ишлаб чиқиш имконини берган;

Дзялошинский-Мория анизотропиясини ҳисобга олган ҳолда, конденсатланган заррачаларнинг зичлиги $T > T_c$ да асимптотик тарзда камайиб борганлиги учун фазанинг кроссоверга ўтиши, шунингдек, конденсат тўлқин функциясининг фаза бурчаги фақат дискрет қийматларга эга бўлиши хорижий тадқиқотчилар томонидан қўлланилган (халқаро журналларда ҳаволалар: International Journal of Modern Physics B, 35, id.2150018, 2021, Journal of Physics: Condensed Matter, 33, id.465401, 2021, Physics Letters A, 384, id.126313 2020). Илмий натижаларнинг қўлланилиши квант антиферромагнитларида (CsFeCl_3) квант фаза ўтишларини тавсифлаш имконини берган;

Хартри-Фок-Боголюбов аппроксимацияси ёрдамида TCuCl_3 антиферромагнит материалидаги куйи ҳароратларда магнитланганлик учун олинган экспериментал натижаларини тўлиқ тавсифланиши хорижий тадқиқотчилар томонидан қўлланилган (халқаро журналларда ҳаволалар: International Journal of Modern Physics B, 35, id.2150018, 2021, Journal of Physics: Condensed Matter, 33, id.465401, 2021). Илмий натижаларнинг қўлланилиши Бозе системаларида Тан контактнинг критик хусусиятларини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 6 та халқаро ва республика анжуманларида маъруза қилинган ҳамда муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси доирасида жами 10 та илмий иш нашр этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шулардан 3 таси хорижий журналларда.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 103 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратлиги асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси муҳокама қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган, диссертация ишининг апробацияси ҳамда ишнинг ҳажми ва тузилиши ҳақида қисқача маълумот берилган.

Диссертациянинг “**Анизотроп квант магнитларида Бозе-Эйнштейн конденсати**” деб номланган биринчи бобида антиферромагнит моддаларнинг куйи температуралардаги магнитланиш жараёнидаги ноодатий ҳодисалар назарий йўл билан ўрганилган. Асосий майдон назарияси ва Хартри-Фок-Боголюбов аппроксимацияси ёрдамида, назарий ҳисоблашлар натижасида тўла ва стаггеред магнитланганликнинг температурага боғлиқлик графиклари олинган. Шу билан бир қаторда квант магнитларидаги, Гейзенберг гамилтониани ўз ичига олувчи, алмашинув анизотропиянинг турли физик катталикларга таъсири ўрганилган. Олинган натижалар экспериментал натижалар билан таққосланган ва мослигига ишонч ҳосил қилинган.

Квант магнитларида, хусусан TCuCl_3 антиферромагнитида иккита $S=1/2$ спинли мис Cu^{2+} ионлари бирикиб димер ҳосил қилади. Бу димерлар антиферромагнетик йўл билан бирикиб бутун спинли бозе типдаги квазизарраларни ҳосил қилади. Бу элементар уйғонишлар ёрдамида квант магнитларининг куйи температурадаги хоссаларини тушунтириш мумкин. Бунинг учун ташқи магнит майдон ёрдамида $S=1$ спинли уйғонган ҳолдаги

зарралар $S=0$ асосий ҳолатга ўтказилиши мумкин. Лекин ташқи магнит майдон Зейман эффектани юзага келтиради ва уйғонган ҳолат учта сатҳга ажралади. Натижада ташқи магнит майдон система учун конденсат ҳолатини юзага келтирувчи кимёвий потенциал вазифасини бажаради. Уйғонган энергетик сатҳдаги магنونлар “триплонлар” деб аталади. Лекин бу эффектлар абсолют нол температурага яқин температурада юзага келади. Шу тариқа биз квант магнитларида Бозе-Энштейн конденсатини кузатишимиз мумкин бўлади. Яъни, ташқи магнит майдондан ташқари, температура ёрдамида ҳам конденсат ҳолатидаги триплонлар зичлигини ўзгартириш мумкин бўлади. Бу назария ёрдамида паст температурадаги антиферромагнитларда кузатиладиган фаза ўтишлари ва магнитланганликнинг ўзгаришларини тушунтириш мумкин. Квант магнитларидаги конденсат ҳолати оддий газлар конденсатидан фарқи шундаги, бу системада анизотропик хоссалари мавжуд. Яъни триплонлар орасидаги ўзаро таъсирлашувларни ҳисобга олган вақтда анизотроп таъсирлашувларни ҳам этиборга олиш керак. Бу анизотропик спин таъсирлашувлар Гейзенберг гамилтониани (алмашинув анизотропия) ёрдамида этиборга олинади. Бу турдаги анизотроп таъсирлашувлар, бизнинг моноклин кристал структурали TlCuCl_3 моддадаги, кўшни тугунлардаги ва тугун ичидаги димерларнинг ўзаро таъсирини ҳисобла олади. Демак анизотроп таъсирлашувга эга бўлган триплонлар системаси учун Гамилтонианнинг кўриниши қуйидагича ёзилади:

$$H = \int d^3r [\psi^\dagger(\mathbf{r})(\hat{K} - \mu)\psi(\mathbf{r}) + \frac{U}{2}(\psi^\dagger(\mathbf{r})\psi(\mathbf{r}))^2 + \frac{\gamma}{2}(\psi^\dagger(\mathbf{r})\psi^\dagger(\mathbf{r}) + \psi(\mathbf{r})\psi(\mathbf{r}))] \quad (1)$$

бу ерда \hat{K} -кинетик энергия оператори, μ - кимёвий потенциал, U -делта типли триплон-триплон таъсир потенциали бўлиб, масофага боглиқ эмас, $\psi(\mathbf{r})$ -майдон операторлари, γ - алмашинув анизотропия доимийси. Конденсат ҳолати ташқи магнит майдоннинг маълум бир критик H_c қийматидан бошлаб юзага келгани учун ҳам кимёвий потенциал $\mu = g\mu_B(H_{\text{ext}} - H_c)$ кўринишида танланади. Биз ўз ишимизда юқоридаги гамилтонианни, майдон операторларини икки қисимга бўлган ҳолда $\psi(r) = \phi_0(r) + \tilde{\psi}(r)$, $\psi^\dagger(r) = \phi_0^\dagger(r) + \tilde{\psi}^\dagger(r)$, иккиламчи квантлаш қоидасига кўра диагонал ҳолатига келтирамиз. Бу ерда $\phi_0(r)$ ва $\tilde{\psi}(r)$ лар мос ҳолда конденсат ҳолатидаги (ρ_0) ва конденсат ҳолатида бўлмаган (ρ_1) зарралар зичлигини аниқловчи операторлар ҳисобланади.

$$\rho_0 = \phi_0^2, \quad \rho_1 = (1/V) \int d^3r \langle \tilde{\psi}^\dagger(\mathbf{r})\tilde{\psi}(\mathbf{r}) \rangle, \quad \rho = N/V = \rho_0 + \rho_1. \quad (2)$$

ρ -тўла зарралар зичлиги ҳисобланади. Бу икки турдаги зарралар зичлиги, яъни ρ ва ρ_0 лар квант магнитларидаги тўла (M) ва стаггерд магнитланганлик (M_\perp) ни тушунтириб бера олади ва бу магнитланганликлар қуйидаги формулалар орқали ҳисобланади.

$$M = g\mu_B\rho, \quad M_{\perp} = g\mu_B\sqrt{\rho_0/2}. \quad (3)$$

Бу ерда μ_B – Бор магнетони, g – Ланде фактор бўлиб $g = 2.06$. Демак биз зарралар зичлигини аниқлаган ҳолда магнитланганлик учун натижалар олишимиз мумкин бўлади. Фурье алмаштиришларидан сўнг Гамильтониан (1) куйидаги ҳолатга келади

$$H = H_0 + H_{\text{lin}} + H_{\text{bilin}}, \quad H_0 = -\mu\rho + \gamma\rho_0 + \frac{U}{2}\rho_0^2 - \frac{U}{2}(2\rho_1^2 + \sigma^2),$$

$$H_{\text{lin}} = \sqrt{\rho_0} \sum_{\mathbf{k}} \{a_{\mathbf{k}}^{\dagger}[\gamma - \mu + \rho_0 U + 2\rho_1 U + \sigma U] + a_{\mathbf{k}}[\gamma - \mu + \rho_0 U + 2\rho_1 U + \sigma U]\}$$

$$H_{\text{bilin}} = \sum_{\mathbf{k}} (\varepsilon_{\mathbf{k}} - \mu + 2U\rho)a_{\mathbf{k}}^{\dagger}a_{\mathbf{k}} + \frac{U(\gamma/U + \rho_0 + \sigma)}{2} \sum_{\mathbf{k}} (a_{\mathbf{k}}a_{-\mathbf{k}} + a_{\mathbf{k}}^{\dagger}a_{-\mathbf{k}}^{\dagger}). \quad (4)$$

Бу ердан иккиламчи квантлаш қоидалари орқали дисперсион муносабатни топиш мумкин.

$$E_k = \sqrt{(\varepsilon_k + X_1)(\varepsilon_k + X_2)}.$$

$$X_1 = -\mu + U[2\rho + \tilde{\gamma} + \rho_0 + \sigma] \quad X_2 = -\mu + U[2\rho - \tilde{\gamma} - \rho_0 - \sigma]. \quad (5)$$

Биз ўз назарий ҳисоблашларимизда Хартри-Фок-Боголюбов (ХФБ) аппроксимациясидан фойдаланганмиз, яъни аномал зичлик (σ) ни ҳисобга олганмиз.


$$\rho_1 = \sum_{\mathbf{k}} n_{\mathbf{k}} = \sum_{\mathbf{k}} \langle a_{\mathbf{k}}^{\dagger}a_{\mathbf{k}} \rangle, \quad \rho_1 = \frac{1}{V} \sum_{\mathbf{k}} \left\{ \frac{W_{\mathbf{k}}[\varepsilon_{\mathbf{k}} + (X_1 + X_2)/2]}{E_{\mathbf{k}}} - \frac{1}{2} \right\}, \quad (6)$$

$$\sigma = \sum_{\mathbf{k}} \sigma_{\mathbf{k}} = \frac{1}{2} \sum_{\mathbf{k}} (\langle a_{\mathbf{k}}a_{-\mathbf{k}} \rangle + \langle a_{\mathbf{k}}^{\dagger}a_{-\mathbf{k}}^{\dagger} \rangle), \quad \sigma = \frac{X_2 - X_1}{2V} \sum_{\mathbf{k}} \frac{W_{\mathbf{k}}}{E_{\mathbf{k}}}, \quad (7)$$


бу ерда $W_{\mathbf{k}} = \coth(E_{\mathbf{k}}/2T)/2 = f_B(E_{\mathbf{k}}) + 1/2$, $f_B(E_{\mathbf{k}}) = 1/(e^{E_{\mathbf{k}}/T} - 1)$.

Юқоридаги (5) формулаларни аналитик ечиш орқали X_1 ва X_2 лар топилган ва бошқа катталиклар ҳисобланган. Критик температурани аниқлашда $\rho_0(T_c) = 0$ ва $\rho_0(T \geq T_c) = 0$ шартлардан фойдаланилади. Зарралар зичлиги ёрдамида (3) формулаларга кўра магнитланганликнинг ҳароратга боғлиқлик графикларини олиш мумкин.

Ташқи магнит майдоннинг ортиши критик температуранинг ўсишига олиб келади (1(а)-расм) ва анизотропиянинг ҳисобга олинмаслиги ҳам экспериментал натижалардан узоқлашишига сабабчи бўлади. Ташқи магнит майдоннинг ортиши билан тўла магнитланганлик ҳам ортади (1(а)-расм).




1-расм. Критик температуранинг ташқи магнит майдонга боғлиқлиги (а) ва ташқи магнит майдоннинг бир нечта қийматлари учун тўла магнитланганлик (б). Экспериментал натижалар [F. Yamada *et.al.* Journal of Physical Society of Japan, 77, (2008)] ва [T. Nikuni *et.al.* Physical Review Letters, 84, (2000)] дан олинган



2-расм. Тўла магнитланганлик (а) ва стаггерд магнитланганликнинг (б) температурага боғлиниши. Экспериментал натижалар [T. Nikuni *et.al.* Physical Review Letters, 84, (2000)] ва [H. Tanaka *et.al.* Journal of Physical Society of Japan, 70, (2001)] дан олинган

Магнитланганлик Ҳартри-Фок-Боголюбов (ҲФБ) аппроксимацияси ($\sigma \neq 0$) ва Ҳартри-Фок-Попов (ҲФП) аппроксимацияси ($\sigma = 0$) ёрдамида ҳисобланган (2(a)-расм). Графикдан кўринадикки, ҲФП аппроксимацияси фақатгина критик температурадан юқори температурада ўринли бўлади. Ҳарорат критик температурага яқинлашган сайин стаггерд магнитланганлик камая боради (2(б)-расм) ва критик температурада нолга айланади. Лекин экспериментал натижалар унинг асимтотик равишда камайиб боришини кўрсатади. Демак бизнинг ҲФБ аппроксимация квант магнитларида фақат алмашинув анизотропияси эътиборга олинганда критик температурадан юқори температурада стаггерд магнетизацияни тўлиқ тавфсифлай олмайди. Биз ўз назарий ҳисоблашларимизни экспериментал натижалар билан

таққослаш натижасида анизотропик параметр ва триптон триптон таъсир потенциал учун оптимал қийматларни ҳам аниқладик, $\gamma = 0.045 \text{ K}$, ва $U = 367.5 \text{ K}$.



3-расм. Конденсат ҳолатидаги зарралар зичлиги ва аномал зичликнинг температурага боғлиқлиги

Натижаларимизга аномал зичликнинг таъсири қай даражада эканлигини аниқлаш учун унинг қиймати конденсат ҳолатидаги зарралар зичлиги билан таққосланган (2(а)-расм). Графикдан кўринадиги, аномал зичликнинг қиймати етарли даражада катта ва биз уни эътиборга олишимиз зарур. Демак, бу ХФБ назариямизнинг тўғри эканлигини кўрсатади. Бизнинг натижаларимизга кўра, критик температурадан юқори температурада ҳам аномал зичлик сақланиб қолар экан (3(б)-расм).

Диссертациянинг “**Фаза ўтишлари ва конденсат тўлқин функция фаза бурчагига қўйилган чекловлар**” деб номланган иккинчи боби, БЭЖ назариясига кўра квант магнитларидаги критик температура атрофида фаза ўтишлар ва конденсат тўлқин функциянинг қандай кўринишида танлаш мумкинлигига бағишланган. Биз ўз ишимизда квант магнитларидаги конденсат ҳолатидаги зарралар тўлқин функция оператори оддий газлардагидан қандай фарқ қилишини ўрганиб чиқдик. Бундан ташқари тўлқин функция фазаси ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиб Жозефсон эффекти ва икки конденсатнинг интерференциясини ўргандик.

Бу бобда биз янада мукамалроқ натижаларга эришиш мақсадида димерларнинг кристалдаги симметрия йўналиши билан боғлиқ бўлган таъсирлашувларини ҳам ҳисобга олдик. Бундай таъсирлашувлар Дзялошинский-Мория (DM) анизотропияси деб аталади. Қулайлик учун $D \parallel x$ (D -Дзялошинский-Мория вектори) ва $H \parallel z$ (H -ташқи магнит майдон) қилиб танланади. Бундай турдаги анизотропияни эътиборга олувчи Гамильтонианнинг кўриниши қуйидагича бўлади:

$$H_{DM} = i\gamma' \int d\vec{r} [\psi(r) - \psi^+(r)] \quad (8)$$

Бу ерда γ' -DM анизотропия параметри. Биринчи бобдаги алмашинув анизотропияси (EA) эса

$$H_{EA} = \frac{\gamma}{2} \int d\vec{r} [\psi^+(r)\psi^+(r) + \psi(r)\psi(r)] \quad (9)$$

Бу икки турдаги таъсирлашувларни ҳисобга олган ҳолда назарий ҳисоблашлар олиб борамиз. Натижада бизнинг тулик Гамилтониан:

$$H = H_{iso} + H_{aniso}, \quad H_{aniso} = H_{EA} + H_{DM},$$

$$H_{iso} = \int d\vec{r} \left[\psi^+(r)(\hat{K} - \mu)\psi(r) + \frac{U}{2} (\psi^+(r)\psi(r))^2 \right], \quad (10)$$

БЭК ҳолатида бир энергетик сатҳнинг макроскопик зарралар ёрдамида эгаллаб олиниши кузатилади. Шунинг учун биз майдон операторини қуйидаги икки қисмга ажратиб оламиз.

$$\psi(r, t) = \chi(r, t) + \tilde{\psi}(r, t), \quad \psi^+(r, t) = \chi^+(r, t) + \tilde{\psi}^+(r, t), \quad (11)$$

Бу ерда $\chi(r, t)$ конденсат ҳолатидаги зарралар майдон оператори, $\tilde{\psi}(r, t)$ эса конденсат ҳолатида бўлмаган зарралар учун майдон оператори. Математик жиҳатдан $\chi(r, t)$ оператор ρ_0 ва фазани ўз ичига олган комплекс бўлиши мумкин:

$$\chi \equiv \xi \sqrt{\rho_0} \equiv e^{i\theta} \sqrt{\rho_0}, \quad \chi^+ \equiv \xi^+ \sqrt{\rho_0} \equiv e^{-i\theta} \sqrt{\rho_0}. \quad (12)$$

Биз бу бобда система учун катта термодинамик потенциални ҳисобладик ва бу термодинамик потенциалнинг фазавий мувозанат ҳолатидаги минимумлик шартидан фойдаланиб тенгламаларга эга бўлдик:

$$\frac{\partial \Omega}{\partial \rho_0} = 0, \quad \frac{\partial^2 \Omega}{\partial \rho_0^2} > 0, \quad \frac{\partial \Omega}{\partial \theta} = 0, \quad \frac{\partial^2 \Omega}{\partial \theta^2} > 0. \quad (13)$$

Катта термодинамик потенциал:

$$\Omega = \Omega_{ISO} + \Omega_{EA} + \Omega_{DM}$$

$$\Omega_{ISO} = -\mu \rho_0 + \frac{U \rho_0^2}{2} + \frac{1}{2} \sum_k (E_k - \epsilon_k) + T \sum_k \ln(1 - e^{-\beta E_k})$$

$$+ \frac{1}{2} (\beta_1 B + \beta_2 A) + \frac{U}{8} (3A^2 + 3B^2 + 2AB),$$

$$\Omega_{EA} = \frac{\gamma \rho_0}{2} (\xi^2 + \bar{\xi}^2) + \frac{\gamma}{2} (B - A), \quad \Omega_{DM} = -i\gamma' (\bar{\xi} - \xi) \sqrt{\rho_0} - \frac{\gamma'^2}{X_2},$$

$$\beta_1 = -\mu - X_1 + \frac{U \rho_0}{2} (\xi^2 + \bar{\xi}^2 + 4), \quad \beta_2 = -\mu - X_2 - \frac{U \rho_0}{2} (\bar{\xi}^2 + \xi^2 - 4)$$

$$A = T \sum_{k,n} \frac{\epsilon_k + X_1}{\omega_n^2 + E_k^2} = \sum_k W_k \frac{\epsilon_k + X_1}{E_k}, \quad B = T \sum_{k,n} \frac{\epsilon_k + X_2}{\omega_n^2 + E_k^2} = \sum_k W_k \frac{\epsilon_k + X_2}{E_k} \quad (14)$$

Бу ерда $\xi = e^{i\theta}$, $\bar{\xi} = e^{-i\theta}$, $W_k = (1/2) \coth(\beta E_k/2) = 1/2 + f_B(E_k)$.

Нормал ва аномал зичликлар эса мос равишда қуйидагича топилади:

$$\begin{aligned}\rho_1 &= \int \langle \tilde{\psi}^+(r) \tilde{\psi}(r) \rangle d\vec{r}, \quad \rho_1 = \frac{A+B}{2} = \sum_k \left[\frac{W_k(\epsilon_k + X_1/2 + X_2/2)}{E_k} - \frac{1}{2} \right] \equiv \sum_k \rho_{1k} \\ \sigma &= \int d\vec{r} \langle \tilde{\psi}(r) \tilde{\psi}(r) \rangle \quad \sigma = \frac{B-A}{2} = \frac{(X_2 - X_1)}{2} \sum_k \frac{W_k}{E_k} \equiv \sum_k \sigma_k\end{aligned}\quad (15)$$

Термодинамик потенциалнинг минимумлик шартини (13) ёрдамида қуйидаги муносабатларни топамиз:

$$\begin{aligned}\frac{\partial \Omega}{\partial \rho_0} &= \cos 2\Theta (U\sigma + \gamma) + U(\rho_0 + 2\rho_1) - \mu - \frac{\gamma' \sin \Theta}{\sqrt{\rho_0}} = 0, \\ \frac{\partial \Omega}{\partial \Theta} &= 2\cos \Theta (2\rho_0(U\sigma + \gamma) \sin \Theta + \gamma' \sqrt{\rho_0}) = 0, \\ &-2\rho_0 \cos 2\Theta (U\sigma + \gamma) + \sin \Theta \gamma' \sqrt{\rho_0} > 0.\end{aligned}\quad (16)$$

Юқоридаги тенглама Θ га нисбатан 2 та ечимга эга. Биз бу ечимларни мос ҳолда моде-1 ва моде-2 деб белгилаймиз.

$$\Theta = \begin{cases} -\arcsin(\tilde{s}) + 2\pi n, & \xi = \sqrt{1 - \tilde{s}^2} - i\tilde{s}: \quad \text{моде} - 1 \\ \frac{\pi}{2} + \pi n, & \xi = \pm i: \quad \text{моде} - 2 \end{cases}\quad (17)$$

Бу ерда $\tilde{s} = \frac{\gamma'}{2\sqrt{\rho_0}(U\sigma + \gamma)}$, ва $n = 0, \pm 1, \pm 2 \dots$. Бу ечимлардан кўриш мумкинки моде-1 да фаза бурчаги система параметрлари ва температурага боғлиқ бўлиб қолади. Лекин иккинчи ҳолда эса у фақат комплекс қийматларнигина қабул қилади. Бизнинг мақсадимиз табиатда қайси бир фаза мақул кўрилади ва квант магнитлари учун қандай фазалар ўринли бўлишини текшириш. Ишимизнинг ютуқларидан бири шундаки, биз зарралар орасидаги ўзаро таъсирларни ҳисобга олмасак ($U=0$), натижаларимиз идеал газ учун ўринли бўлади. Бундан ташқари анизотропияни эътиборга олмасак ($\gamma' = \gamma = 0$) реал газлар учун конденсат фазаларини таҳлил қилишимиз мумкин. Ўз навбатида ЕА ва ДМ анизотропияларни эътиборга олган ҳолда квант магнитларидаги триплонлар конденсат тўлқин операторининг фазасини ҳам ўрганиб чиқамиз. Фаза қабул қилиши мумкин бўлган қийматларни аниқлашда система параметрларининг хоссаларидан фойдаланган ҳолда (13) ва (16) тенгламалар ёрдамида натижаларни оламиз.

Демак бозе газларида конденсат тўлқин функциянинг фазаси πn ларни қабул қилиши мумкин (1-жадвал). Яъни реал бозе газларида конденсат ҳолатидаги зарралар тўлқин оператори фақат реал сон ($\xi = \pm 1$) бўлар экан. Лекин агар биз ДМ таъсирлашувни ҳисобга олиб, квант магнитларининг конденсат ҳолатини кузатадиган бўлсак, фаза $\pi/2 + 2\pi n$ ларни қабул қилар экан. Бу дегани, тўлқин функция оператори ($\xi = +i$) комплекс қийматларга эга бўла олади ва фақат дискрет қийматларни қабул қилади.

Мумкин бўлган фазалар ва фаза ўтишлари. УЎСБ -ўз ўзидан симметрия бузилиши ва ОСБ -ошкора симметрия бузилиши

ВЭК тури	Тасир параметрлари	фаза	Фаза бурчаги	Симметрия бузилиши	БЭК фазадан → нормал фаза
Идеал газ	$U = 0, \gamma = 0, \gamma' = 0$	$\xi = e^{i\Theta}$	Исталган қиймат	УУСБ	II-тур
Реал БЭК	$U \neq 0, \gamma = 0, \gamma' = 0$	$\xi = \pm 1$	πn	УУСБ	II- тур
ЕА билан тасирлашувчи газ	$U \neq 0, \gamma \neq 0, \gamma' = 0$	$\xi = \pm 1$	πn	ОСБ	II- тур
DM билан тасирлашувчи газ	$U \neq 0, \gamma = 0, \gamma' \neq 0$	$\xi = +i$	$\pi/2 + 2\pi n$	ОСБ	кроссовер
ЕА ва DM анизатропия билан тасирлашувчи газ	$U \neq 0, \gamma \neq 0, \gamma' \neq 0$	$\xi = +i$	$\pi/2 + 2\pi n$	ОСБ	кроссовер


Бундан ташқари бу фаза бурчаги квант магнитларидаги стаггерд магнитланганликнинг ҳам йўналишини кўрсатади:

$$|M_{\perp}| = g\mu_B\sqrt{\rho_0/2}, \quad M_{\perp} = |M_x|\sin\Theta + |M_y|\cos\Theta. \quad (18)$$

Демак DM таъсирлашишлар эътиборга олинганда антиферромагнитлардаги стаггерд магнитланганлик (18) формулага кўра х ўқи бўйича йўналар экан $M_{\perp} = \sum m_{\perp}^i = \sum |m_x^i| \neq 0$, чунки бу ҳолда фаза $\pi/2 + 2\pi n$.

Квант магнитларида икки хил фазага эга бўлган бўлаклар ҳисобига, улар бир бирига теккизилганда триплонларнинг тунел эффекти ҳисобига Жозефсон эффектини ҳам кузатиш мумкин ва Жозефсон токи:

$$\frac{\partial \rho_{01}}{\partial t} = 2K\sqrt{\rho_{01}\rho_{02}}\sin(\Delta\Theta) \quad (19)$$



4-расм. Стаггеред магнитланганлик вектори: а) умумий ҳолат; (б) ва (с) DM анизотропияси бўлмаган ва бўлган ҳолда триплон БЭК нинг пайдо бўлиши

Бунинг учун бизда фаза фарқи $\Theta_1 - \Theta_2 = \pi/2$ га тенг бўлиши керак. Яъни бир қисми DM анизотроп хоссага эга бўлса, иккинчи томон фақат EA хоссасини намоён қилиши керак (1-жадвал). Шундагина биз бу турдаги ўтказгичларда Жозефсон эффектини кузатишимиз мумкин.

Қўшимча равишда икки турдаги БЭК ҳолатидаги системанинг интерференциясини ҳам кўриб чиқамиз. Интерференцияланувчи икки қисмнинг умумий зичлиги қуйидагича ҳисобланади:

$$\rho_0(\vec{r}) = |\sqrt{\rho_0^a} e^{i\vec{k}_a \cdot \vec{r}} e^{i\Theta_a} + \sqrt{\rho_0^b} e^{i\vec{k}_b \cdot \vec{r}} e^{i\Theta_b}|^2 = \rho_0^{ab} [1 + x \cos(\vec{k} \cdot \vec{r} + \Theta_{ab})] \quad (20)$$

Бу ерда ρ_0^a ва ρ_0^b лар \vec{k}_a ва \vec{k}_b импульс фазосидаги конденсат зичликлари.

$$\rho_0^{ab} = \rho_0^a + \rho_0^b, \vec{k} = \vec{k}_a - \vec{k}_b, \Theta_{ab} = \Theta_b - \Theta_a, x = 2\sqrt{\rho_0^a \rho_0^b / (\rho_0^a + \rho_0^b)}. \quad \Theta_a, \Theta_b$$

лар бошланғич ҳолдаги конденсат фазалари, $\phi = \vec{k} \cdot \vec{r} + (\Theta_b - \Theta_a)$ интерференция натижасидаги фаза.

